# Жаҳон кимё саноати хабарлари: табиий каучук нархи қимматлашиши муқобил синтетик маҳсулотларга талаб ортишига олиб келиши мумкин

// 30.10.2024

https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/zhahon-kimyo-sanoati-habarlari-tabiiy-kauchuk-narhi-qimmatla



Табиий каучук нархи қимматлашиши муқобил синтетик маҳсулотларга талаб ортишига олиб келиши мумкин

Сингапур ва Токио хом-ашё биржаларида табиий каучук фючерслари бир тонна учун 2 минг доллардан ошди. Бу 2019 йил июлидан бери энг юқори кўрсаткичдир. Нархларнинг бундай кўтарилишининг асосий сабаблари сифатида Тинч океани юзасининг исиши фонида об-ҳавога таъсир қилувчи Эл-Ниньо иқлим ҳодисаси ҳамда талаб ва таклифнинг умумий номутаносиблиги кўрсатилмоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, табиий хом-ашёнинг қимматлашиши синтетик каучукка нисбатан талаб ўсиши эҳтимолини оширади.

**«Ўзкимёсаноат» АЖ Матбуот хизмати**